



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUz

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Alijonova G. “Kutubi sitta” doirasida XIX-XX asrlarda amalga oshirilgan zamonaviy g‘arb tadqiqotlari.....	4
Алманов Қ. XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах шаҳри аҳолисининг ижтимоий ва этник таркиби.....	7
Орифжонов Г. Ўзбекистон музейларининг экспозицион ривож.....	12
Усаров У. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти сугориш тизими.....	15
Ҳайитов Ж. Марказий Осиёда манзарали дараклар янги навларининг тарқалиши тарихи ва экологик муаммоларни бартараф этишдаги ўрни.....	18
Эралов А. Сурхондарё вилоятида зиёрат туризмнинг ривожлантириш имкониятлари.....	21

Фалсафа

Аббосхонова Н. Ўзбекистонда миграция жараёнларини тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий асослари.....	25
Абдурахманов У. Кураш билан шуғулланувчи талабаларнинг техник ҳаракат усулларининг педагогик таҳлили.....	29
Асанова Н. Сравнительная характеристика показателей физической подготовленности высококвалифицированных бегуний на 400 метров с барьерами.....	33
Beknazarova S., Qayumova G., Qahramonova X. Ta’lim kredit-modul tizimining fraktal pedagogika asosida zamonaviy axborot metodik ta’minoti mazmuni tahlili.....	37
Ботирова Ш. Основы организации сотрудничества между образовательными учреждениями через кластеры в Узбекистане.....	41
Газиёв Ш. Янги Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг такомиллашуви.....	45
Жабборов И. Оилада эр-хотин муносабатларидаги мутаносибликни таъминлашнинг ижтимоий-психологик компонентлари.....	48
Jaloliddinova M. Intellektual mulk va uning qiymatini baholash xususiyatlari.....	51
Jurayev M. Til modeli asosida 1h-gramm dasturiy tizimining algoritmi asosida matn ma’lumotlarini boshqarish.....	54
Зарипов О. Электрон таълим муҳитида интерактив таълим ресурсларини яратиш методикасини бошқариш моделлари.....	57
Zoyirova D., Heller A. Formation of the discursive competence of law students when teaching writing in a foreign language.....	60
Ibragimova O. Maktabgacha yoshdagi bolalarda ta’limni tashkil etishga psixologik moslashuvining kompleks xususiyatlari.....	63
Исақулова Б. Дидактик ўйинлар мактабгача ёшдаги болаларни чет тилида мулоқот қилишдаги ўрни сифатида.....	66
Исманова О. Олий таълимда физикадан амалий машғулотларда мураккаб интегралларни сонли усулда ҳисоблаш.....	69
Исраилова Д. Мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини ўрганишда эртақнинг ўрни ва аҳамияти.....	73
Кабилев Н. Ўзбек миллий кино санъати таракқиётида бадиийлик масалалари.....	76
Каримова Н. Сузиш машғулоти орқали хотин-қизларни соғломлаштириш ва жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш технологияси.....	80
Kasimaxonova A., Atajonova S. Research of interdisciplinary relationships of physics and special objects of the specialty “mechatronics and robotics”.....	83
Kuralov Y. Bo‘lajak informatika o‘qituvchilarini tayyorlashda pedagogik ta’lim innovatsion klasteri usuli.....	87
Kuchkarov U. Muay-tay qadimda va bugungi kunda.....	90
Qambarov A. Issues of studying the content and structure of historical consciousness in modern Uzbekistan.....	93
Кодиров М., Вохидов Э. Физика фанини ўқитишда таълим сифати таъсир этувчи омиллар.....	97
Қораева Ю. Эгоизм тузилишини ўрганишда назарий қарашларнинг психологик таҳлили.....	101
Мадрахимова Ф. Олий таълим муассасалари талабаларида медиасаводхонлик шакллантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш асослари.....	104
Маматқосимов Ж. Ўқув спектакллари устида ишлаш орқали бўлажак режиссёрларнинг касбий компетенциясини такомиллаштириш усуллари.....	107
Маматқосимова Н. Бўлажак маданият ходимларининг умуммаданий компетенцияларини ривожлантиришда беш муҳим ташаббус тадқиқот объекти сифатида.....	111
Mansurov M. Umumta’lim maktab o‘quvchilarini kasbga yo‘naltirish muammo va istiqbollari (Farg‘ona viloyati so‘rovnoma tahlillari asosida).....	115
Мирахмедов Ф. Соғлом турмуш тарзини болаларда шакллантиришда оила ва атроф муҳитни аҳамияти.....	119
Мирзаев Қ. Болалар вокал-хор жамоасида овоз хусусиятлари ва имкониятларини такомиллаштириш методикаси.....	121
Mirzayev M., Shohimardonov J. Ta’limda o‘quv fanlarining integratsiyalashtirilgan mazmuni.....	124
Миршўлатов Х. Миллий фестиваллар орқали маданий мерос намуналарининг тарғиботи (“Ипак ва зираворлар” халқаро фестивали мисолида).....	128
Nazarova D. The effectiveness of cause and effect diagrams in teaching the aral sea problems.....	132
Нариманов Қ. Абу райхон беруний ва фрэнсис бэкон билимнинг ҳақиқатлиги мезонлари ҳақида.....	137
Низёв С. Табиат туризми тушунчаси ва унинг фалсафий таҳлили.....	141
Нуритдинов А. Спортчи тайёргарлигида илмий ёндашувнинг асосий йўналишлари.....	144
Одилов Б. Белбоғли курашчилар билан олиб бориладиган анъанавий машғулотларда усулларни ноқулай томондан қўллаш ва мувозанат саклаш турғунлигини шакллантириш тажрибаси.....	147
Пазилев А. The role of virtual learning environment in the formation of linguistic competence.....	150
Равшанов А. Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш сиёсати.....	154
Раҳмонова Г. Креатив ва ижодий тафаккур муаммосининг хорижий тадқиқотларда ўрганилиши.....	158
Рашидова Г. Театр санъати – маънавий-маърифий тарбия ва маданий юксалиш омили сифатида.....	161
Саидова С. “Фатавоий оламгирия” асарида меросга монелик қиладиган ҳолатлар.....	165
Саидова С. “Толерантлик” тушунчаси генезисининг айрим жиҳатлари.....	168
Сейдабуллаева Н. Жамиятда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш масаласи.....	171
Suleymanova T., Yoqubova N. Kichik maktab yoshida bola shaxsini shakllanishida o‘z o‘ziga baho berish darajasining ijtimoiy psixologik ahamiyati.....	174
Umurov A. Boshlang‘ich ta’limga zamonaviy axborot texnologiyalarini tatbiq etish tamoyillari.....	177
Umurqulova D. Zamonaviy tennisda oyoqlar kuchining ahamiyati va uni mashg‘ulotlar davomida tiklash zarurligi.....	180



УДК: 378:631.6:32 (575.1)

Алишер РАВШАНОВ,
“ТИҚХММИ” МТУ ўқитувчиси
E-mail: ravshanov.alisher83@mail.ru

Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори, сиёсий.ф.д Х.Ахмедов тақризи асосида

POLICY OF TRAINING ENGINEERING AND TECHNICAL STAFF FOR THE SPHERE OF WATER RESOURCES IN UZBEKISTAN

Abstract

In our country, as well as in other countries of the world, in the conditions of modern globalization, there is an increasing need to find ways and means for the efficient use of natural resources, especially land and water resources. At the same time, many factors related to this issue, including the great need for modern knowledge and skills for agriculture and water management, highly qualified and experienced personnel, are expanding universal and global, regional and national processes on water issues important to human life. This article summarizes the state policy of Uzbekistan in the modern system of training engineers and land reclamators, its practical significance and role in the development of the state.

Key words: irrigation engineer, personnel policy, market economy, international experience, education, civil servants, management personnel.

ПОЛИТИКА ПОДГОТОВКИ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНИЧЕСКИХ КАДРОВ ДЛЯ СФЕРЫ ВОДНЫМИ РЕСУРСАМИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация

В нашей стране, как и в других странах мира, в условиях современной глобализации возрастает потребность в поиске путей и средств эффективного использования природных ресурсов, особенно земельных и водных ресурсов. В то же время многие факторы, связанные с данным вопросом, в том числе большая потребность в современных знаниях и навыках для сельского и водного хозяйства, высококвалифицированных и опытных кадров, расширяются общечеловеческие и глобальные, региональные и национальные процессы по водным вопросам, важным для жизни человека. В данной статье обобщена государственная политика Узбекистана в современной системе подготовки инженеров и мелиораторов, ее практическое значение и роль в развитии государства.

Ключевые слова: инженер-ирригатор, кадровая политика, рыночная экономика, международный опыт, образование, государственные служащие, руководящие кадры.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ УЧУН МУҲАНДИС-ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИ

Аннотация

Бутун дунё давлатлари қатори, бизнинг мамлакатимизда ҳам ер ва сувдан самарали фойдаланиш йўллари ва воситаларини излаб топиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Айни пайтда, бу масала билан боғлиқ кўплаб омиллар, жумладан қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун замонавий билим ва кўникмаларга, касбий малакага эга юқори малакали ва тажрибали кадрларга катта эҳтиёж мавжудлиги, инсоният ҳаёти учун муҳим бўлган сув муаммоларига доир умуминсоний жараёнлар тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг замонавий муҳандис-ирригатор кадрлар тайёрлаш тизимида олиб бораётган давлат сиёсати, унинг амалий аҳамияти ва давлатни ривожлантиришдаги ўрнига оид ҳулосалар ёритилган.

Калит сўзлар: муҳандис-ирригатор, кадрлар тайёрлаш сиёсати, бозор иқтисодиёти, халқаро тажриба, таълим, давлат хизматчилари, раҳбар кадрлар.

Қириш. Ўрта Осиё маҳаллий халқларида қадимдан табиат инъом этган неъматлардан тежаб-тергаб, увол қилмасдан фойдаланиш ғоят муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, ота-боболаримиз эъзозлаган ўлкамизда ер-сувдан оқилона фойдаланиш орқали юксак даражадаги суғорма деҳқончилиқ маданияти шаклланиб келган. Аждодларимиз – ирригатор, мироб ва деҳқонлар тоғ олди ва чўл билан тутшиб кетувчи ҳудудлар табиий сув ресурсларидан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш услубларини ишлаб чиқишган. Аҳоли кўп асрлик ирригация фаолияти давомида сув манбаи булоқларининг ахvoli ва ҳар хиллиги уларнинг узоқ масофадан келиши ва серсувлиги, сув оқимининг тезлиги, инсон ва табиат иқлими шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ирригация ва гидротехник иншоотлар ва гидротехника тизимини қўллаган ва уларни такомиллаштирган.

Бугунги кунга келиб эса айнан сув муаммоси ҳамда сув хўжалиги соҳасида замонавий билим ва кўникмаларга, касбий малакага эга юқори малакали ва тажрибали кадрларга катта эҳтиёж мавжудлиги сезилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олиқ маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3702-сонли ҳамда 2021 йил 10 декабрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-42-сонли Қарорлари биз танлаган мавзунинг назарий ва методологик асосларини белгилайдиган таянч ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Бугунги глобаллашув ва миллий қадриятларни асраш эҳтиёжи кучайиб бораётган бир шароитда барча соҳалар ислохотларга муҳтожлик сезгани каби, биз фикр юритаётган соҳани ривожлантириш ҳам даврнинг асосий талабларидан бири бўлиб қолмоқда. Собик иттифок даврида иқтисодийнинг табиий ресурслар билан таъминланганлиги табиат ёки экологик қонуниятлар ва қонунларга боғлиқлиги тан олинмади. Йиллар ўтиб ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ягона табиат, хусусан экологик қонунларга боғлиқлиги мутахассислар томонидан асослана бошланди.

Мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи шундан далолат берадики, унинг турли жиҳатлари ва хусусиятларини ўрганишга доир тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Россия ФАнинг Сув муаммолари институти, UNESCO-IHE - сув таълими бўйича халқаро институт, Голландиянинг Вагенинген университети ва тадқиқот маркази ва бошқа шу каби илмий марказларда олиб борилмоқда[1].

Мавзунинг сиёсатшунослик нуқтаи назаридан таҳлили ва талқинида Ўзбекистонлик олимлар Ш.Пахрутдинов[2], Раҳбар кадрлар танлаш борасида тадқиқот олиб борган олим Ф.Р.Равшанов “кадрлар захираси - бу тегишли мақсадли тайёргарликдан сўнг раҳбарлик лавозимига тавсия этилиши назарда тутилган ходимларнинг гуруҳидир. Захира бўлажак раҳбарларни режали тайёрлаш ва уларнинг тайёргарлигини олдиндан текшириш учун аниқ асос бўлиб хизмат қилади ҳамда раҳбарлик лавозимига номзодларни танлаш жараёнининг доимийлиги ва уларнинг мослашиш даврини қисқартириш имконини беради”[3], деган фикрни билдириб ўтган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги Ўзбекистонлик олимлардан Ў.Умурзаков[4], Р.Сангиров[5], М.Ҳамидов[6], А.Салоҳиддинов[7], С.Маматов[8], И.Бегматовларнинг[9], мамлакатимиз ривожланишининг бугунги босқичида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун зарур бўлган юксак малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алоқадор асарлари ҳам муайян манаб сифатида хизмат қилади.

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Глобаллашаётган замон мутахассис кадрлар олдига янгича ёндошув ва талабларни қўймоқда. Ўзбекистон Республикасини замонавий босқичда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазибаларини рўёбга чиқариш учун ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасидаги илғор мутахассис кадрларни етиштириш тизимини қайта қўриб чиқиш, фаолият самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инновацион ғоялар ва технологияларни ҳаётга тадбиқ эта оладиган, универсал фикрлаш қобилияти ва интеллектуал билимларга эга кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал қилиш зарурияти Ўзбекистонда кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёни юзага келганидан бери кадрларни тайёрлаш иши бошидан-охиригача жамиятда ҳукмрон бўлган сиёсий ҳокимият қўлидадир. Мутахассис кадрларни етарли миқдорда ва юқори сифатда тайёрлаш ҳамда улардан жамият ва давлат манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш учун жамиятимизда унинг мослаштирилган таълим-тарбия системаси шакллантирилди.

Хусусан, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида замонавий талаблар ҳамда устувор йўналишларни инобатга олган ҳолда, 16 та вазирилик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тузилмаси, вазифа ҳамда функциялари қайта қўриб чиқилди. 20 та давлат ва хўжалик бошқаруви органи, бошқа ташкилотлар қайта тузилди. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий

ислохотлар концепцияси тасдиқланди. Ушбу дастуриламал ҳужжат асосида давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар ва технологияларнинг илғор шакллари жорий этилаёпти[10].

Давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган туб ўзгариш ва ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, аввало, бозор иқтисодиёти шароитида мустаҳкам билимга эга, Ўзбекистоннинг бугунги ташқи ва ички сиёсати йўналишларини тушунадиган, таҳлил эта оладиган ёш ва ташаббускор кадрларни етиштириб чиқаришни талаб этади.

Глобаллашув шароитида интеллектуал салоҳиятли кадрларни танлаш бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимида техник ва технологик янгиланиш дастурларини изчил жорий этиш имконини беради.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистоннинг қулай географик иқлим шароитида жойлашгани узок йиллардан буён суғорма деҳқончилиги унинг иқтисодий ривожланишидаги асосий омиллардан бирига айлантирган. Негаки, мамлакат асосан аграр соҳага иқтисослашган бўлиб, ҳозирда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг 98 фоизи суғорма деҳқончилик ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга, республиканинг бугунги кундаги суғориш тизими ҳолати ва имкониятларини бевосита таҳлил қиладиган бўлсак “ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 4,3 млн. га суғориладиган ерлар мавжуд бўлиб, уларга хизмат кўрсатувчи 180 минг км каналлар тизими, 140 минг коллектор-дренаж тармоқлари, 1600 дан ортиқ гидротехника иншоотлари фаолият кўрсатмоқда. Бу иншоотларнинг 800 таси йирик гидротехника иншоотлари, 588 таси насос станциялари, 55 таси эса сув омборлари саналади (сув омборларининг 30 таси Амударё ва 25 таси Сирдарё дарёларининг хавзасида жойлашган)”[11].

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда ирригация соҳасининг ривожига жамият ва давлат учун ўта долзарб масалага айланаётганлиги бу соҳани ривожлантиришда илғор муҳандис-ирригатор кадрлар тайёрлаш тизимини ислох этишга зарурат сезилмоқда. Чунки дунё мамлакатларида бир неча йиллардан буён сув ресурслари ва сув танқислиги масалалари халқаро аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Хусусан, ҳар йили 2 февраль куни жаҳон ҳамжамияти томонидан муҳим сана – Бутунжаҳон сув-боткоқли ҳудудлар куни (World Wetlands Day) сифатида нишонланади. Бевосита ана шу доирада қабул қилинган Рамсар (Эрон) конвенциясига Ўзбекистон 2001 йилда аъзо бўлган.

Шу билан бирга, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини сув масалаларига, тоза ичимлик сувига талаб муҳимлиги, тоза ичимлик сувидан барқарор фойдаланиш услубларини тарғибот қилиш масалаларига жалб этиш мақсадида БМТ Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясининг (Рио де Жанейро шаҳри, 1992 йил) қарорига мувофиқ, ҳар йили 22 март - Бутунжаҳон Сув ресурслари куни (World Water Day) сифатида нишонланиб келинади. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 20 декабрда бўлиб ўтган 69-ялпи йиғилишида қабул қилинган А/RES/65/154-сонли Резолюцияга мувофиқ 2013 йил “Сув бўйича ҳамкорлик халқаро йили” (International Year of Water Cooperation) деб эълон қилинди[12]. Унда сув бўйича БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, давлатлар ва манфаатдор томонларнинг кенг қамровли ҳамкорлиги ва мулоқотини кучайтириш масалалари атрофида ҳал қилинди.

- **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Буларни инобатга олган ҳолда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида давлат хизматининг қонунийлик асосларини такомиллаштириш, бу борадаги кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг самарали тизимларини ишлаб чиқариш

масалалари долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда илғор халқаро тажриба асосида муҳандис-ирригатор кадрлар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада муҳандис-ирригатор кадрлар етиштириб чиқарувчи Республикаси Олий таълим муассасалари фаолияти ҳам жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида юксак ижодий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил қарашларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларни шакллантиришга йўналтирилди. Бу ишларни ҳаётга мақсадли жорий этишда хорижий давлатлар билан ўзаро тажриба алмашишга алоҳида урғу берилмоқда.

Ҳозирги кунларда гидротехник иншоотларларни куриш, уларни таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, транспорт масалаларига кўп миқдорда молиявий моддий ва техникавий мададни олиб, ишлаб чиқариш жараёнларини қайта жиҳозлаш, янги технологиялар, машина, ускуналарни унга жорий қилиш, ижтимоий масалаларни унга мустақил ҳал этиш имкониятларига эга бўлиб бормоқдалар. Раҳбар ирригатор мутахассис ходимларга фақат ҳўжаликнинг техникавий муаммоларинигина эмас, балки умуман истиқболи барча ишлаб чиқариш масалаларини мустақил ечиш учун кенг ҳуқуқий асослар яратиб берилган.

Янги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий вазият вужудга келтирган шундай эркин ижод шароитида муҳандис-ирригатор мутахассис кадрларнинг серғайрат ва билимдон бўлишлари, ўз иқтидорларини ва қобилиятларини кенг намоён этишларининг имкониятлари бирмунча ортганлиги янгича кадрлар сиёсатида ўз ифодасини топган.

Ҳозирги даврда ўтказиладиган муҳандис-ирригатор кадрлар тайёрлаш сиёсатининг яна бир муҳим томони шундаки, халқаро алоқаларни тубдан янгиллаш учун зарур бўлган илғор мутахассис кадрлар тайёрлаб, бу тармоққа жойлаштиришдан иборатдир. Фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланилган, махсус мутахассис кадрлар етарли миқдорда ва юксак сифат даражасида таёрланган, янги имкониятлар реал ўзлаштирилган тақдирдагина ирригация соҳасида кўзланган муваффақиятларга эришиш мумкинлиги ҳозирги кундаги кадрлар сиёсати руҳига сингиб кетган.

Ирригация соҳасидаги ташкилотлар ўз эътиборини соҳага қизиқувчи муносиб мутахассис кадрларни излаб топиш ва ишга жалб этиш тизимини ҳам йўлга қўйиш зарур. Бундай тизимда кўпроқ ходимларни мотивация даражаси уларнинг лаёқати, ривожлантириш ва соҳага содиқлиги ўрганилади. Ҳақиқатдан ҳам ходимларнинг юксак натижалари уларнинг квалификация ва билимига жиддий равишда боғлиқ, агарда кадрлар етарли даражада мотивацияланган бўлса, улар ташкилотнинг муваффақиятига янада салмоқлироқ ҳисса қўшадилар. Ўз ходимларининг содиқлигини таъминлашни ташкил қила билиш салмоқли ҳиссага эга, акс ҳолда персоналнинг юқори даражасидаги алмашинувчанлиги жиддий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, муҳандис-ирригатор кадрлар тайёрлаш тизими қай даражада ходимларни мотивация қилинишини ривожланишига, уларнинг профессионализи ва компетентлигига шунингдек, ташкилотга содиқлигига ва

билвосита ёки бевосита ташкилот фаолиятининг натижаларига таъсир қилишини аниқлаш муҳимдир. Ўзбекистонда муҳандис-ирригатор кадрлар тайёрлаш тизимини қуйидаги белгиларига аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ:

Ходимларни индивидуал натижалари ҳисобига асосланган рағбатлантириш тизими;

Ходимларни уларнинг хизматларига яраша ишида кўтариш;

Бандликнинг юқори кафолати;

Ташкилот ичидаги таълим (умумий, махсус, қайта тайёрлаш, малака ошириш);

Карьерани режалантириш;

Ташкилот ичидаги ўсиш;

Муаммоларни ечиш тизими;

Рағбатлантиришнинг юқори даражаси.

Объектив омиллар орасида энг муҳими – бу ирригация соҳасидаги ишлаб чиқариш жараёнларига илмий техника инкилоби самараларини изчил жорий қилиш, фан ва техника янги технология воситаларининг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бораётганлиги бўлиб, буларнинг ҳаммаси янги хусусиятларига ва юксак замонавий малакага эга бўлган кадрларнинг оммавий равишда шаклланиб етишишига сабабчи бўлади.

Давлат ҳокимиятининг кадрлар сиёсатида иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув, илмий марказлари, фирмаларига ўқишга ва стажировкага юбориш ижобий аҳамият қасб этмоқда. Мутахассис кадрларни, айниқса раҳбар ходимларнинг салоҳиятини ривожлантириш сиёсати ўз ичига профессионал таълим бериш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни, шунингдек ходимларни профессионал ва мансаб бўйича силжиш, лавозими кўтарилиши сиёсатини олади. Кадрлар сиёсатини алоҳида элементларини аниқлаш ва таърифлаш ҳар хил ташкилотларда катта амалий аҳамиятга эга. Лекин нафакат бу йўналиш таърифлаш, усулларни солиштириш ва улар ёрдамида ташкилотларда буларни барчасини қўллаш, балки самаралироқ усулни топшириш ҳам кўпроқ эътиборга лойиқдир.

- Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Муҳандис-ирригатор кадрларни тайёрловчи олий таълим муассасалари таълим тизимида инновацион ғоялар ва электрон таълим ресурсларини тўлдириб бориш, мувофиқлаштириш ва уларни мунтазам равишда сайтга жойлаштириб бориш ишларини йўлга қўйиши лозим. Олий таълимда ўқитиш ва тарбия самарадорлигини оширишда электрон дарсликларнинг янги авлодини яратиш, масофавий таълим тизимини кенгайтириш, бойитиш муҳим ўрин тутди. Шундан келиб чиқиб, бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш талаб этилади.

Олий таълим муассасаларининг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро электрон алоқаларни тубдан қайта ташкил этиш зарур. Иқтидорли талабалар билан ишлаш, ёш олимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, улар томонидан инновацион ғоялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш фаолиятдаги асосий йўналишлардан бири бўлиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. www.un-ihe.org; <https://www.wur.nl>
2. Пахрутдинов Ш., Жўраев Т. ва бошқ. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Оғоҳлик ва ҳушёрлик тамойиллари. –Т., Ф.Ғулом номидаги НМИУ, 2008. 456 б.
3. Ф.Равшанов. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. // Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент-2009. 136-бет.
4. Умурзаков.У. Рекомендации по повышению эф-фективности и улучшению экологического состояния орошаемых земель на основе внедрения в хо-зяйствах бионискусственных дре-нажных систем , «Агроилмдунё» (2006).

5. Сангиров.Р. Ўзбекистонда сунъий суғориш маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, Iqtisod-moliya (2019).
6. Xamidov M.X., Begmatov I.A., va boshq. “Suv tejamkor sug‘orish texnologiyalari” O‘quv qo‘llanma. -T., TIMI bosmaxonasi, 2015. 243 bet.
7. [Салоҳиддинов А.Т. Ҳавзавий ташилотлар ҳамда уларнинг сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш режаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдаги роли, ТИКХММИ \(2019\).](#)
8. [Маматов. С.А. Томчилятиб суғориш тизими, ББК 40.62 УДК: 631.674.6 \(575.1\) \(2012\).](#)
9. [Бегматов И.А. Оросительные мелиорации, ТИИМСХ нашриёти. \(2020\).](#)
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги ПФ-5024-сонли Фармони.
11. Жоникулов Ш., Холлиев Б., Маматов И. Сув хўжалиги соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлашнинг муҳим масалалари // Kasb-hunar ta'limi. -Тошкент, 2016. 2-сон. –Б. 2.
12. Юнусов Х., Маматова З. Трансчегаравий дарёлар ва йирик тўғонлар: таҳдидлар, талафотлар ва хавфсизлик чоралари. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. –Б. 7.